

**ХОЗИРГИ ДАВРДА ДИЗАЙНЕРЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ
ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИГА
ҚАРАТИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР: «МЕТА-МАВЗУ» МАШҒУЛОТЛАРИ
АСОСИДА**



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-10-216-219>

Сайёра Джураваевна Нишанова

МРДИ институти

Либос дизайни кафедраси ўқитувчиси

E-mail: snishanova1967@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Талабанинг дизайнерлик касбини эгаллашга бўлган муносабати, таълим жараёнининг онгли мотивациясини шакллантиради. Агар биз шахсият маънолар маконида ривожланишидан келиб чиқсак, кейин талабанинг ўқув фаолиятидаги муваффақияти унинг семантикасига боғлиқ эканлигига ҳам урғу беришимиз лозим. Масалан таниқли олим А.Н.Леонтиев ўз асарларида "онг"-таълимдан нимани олиши кераклигини тушуниш эмас, балки талаба касбига қанчалик тайёрлиги, унинг келажакдаги муваффақиятини белгилайди ва дизайнернинг фаолиятида маънавият, маданиятнинг қанчалик роли маҳим асос"- эканлигини ҳисобга олмасдан тасаввур қилиб бўлмаслигини аниқ фактлар асосида исботлаб берган.

Калим сўзлар: таълим, онг, дизайн, шахс, мотивация, семантика, педагогика, метод, ривожланиш.

ABSTRACT

The student's attitude to the acquisition of the profession of a designer forms the conscious motivation of the educational process. If we proceed from the development of personality in the space of meanings, then we should also emphasize that the student's success in educational activities depends on his semantics. For example the famous scientist A.N. In his works, Leontiev proved that "consciousness" is not an understanding of what needs to be obtained from education, but on the basis of specific facts, how much the student is ready for the profession, determines his future success, and how much role of spirituality, culture in the designer's activities is unimaginable without taking into account the fact that "essential is the basis".

***Keywords:** education, consciousness, design, personality, motivation, semantics, pedagogy, method, development.*

КИРИШ

Келажак ва айни дамдаги дизайнерлар томонидан яратилган наъмуналарнинг қийматини тўғри баҳоланишида маҳсулотнинг ижтимоий воқеликнинг объекти сифатида алоҳида муносабат шакллантириши бу-янги асарнинг қийматидир. Ҳар бир яратилган янги дизайн объекти ўзининг индивидуаллиги билан қийматланади. Ижодкор, дизайнер янгича ғоя шакллантира олиши учун эса амалий дарслар жараёнида фикрларни ривожлантирувчи муҳитнинг яратилиши муҳим ҳисобланади.

Таълим стандарти ўқув дастурини тузиш учун асос бу -ўқув жараёнининг тузилишини, яъни амалиёт дарс жараёнининг кетма-кетлигини акс эттиради. Талаба томонидан ўқув фанларини ўрганилиши, ўқиш учун сарфланган меҳнат миқдори. Бу жараёндан келиб чиқиб “Блок-модул”ли дизайн ўқув дастурининг мазмунини тузилиши, айни дамдаги амалий дарсларнинг асосий усули бўлиб чиқди. Шундай қилиб, дизайн таълим жараёнини уч мустақил блокларни беради:

- 1) умумий маданий;
- 2) умумий профессионал;
- 3) профессионал.

Уларнинг ҳар бири ўз ўқув вазифаларига эга, модуллардан иборат - асосий ва ўзгарувчан компонентларни педагог ўзи киритиши ҳам мумкин. Ҳаммаси биргаликда комплекс дарс жараёнини ҳосил қилади ва талабанинг касбий тайёргарлигини эгаллаш учун зарур бўлган билимлар тизими дизайнернинг фаолияти ривожланишига қаратилади.

Амалий дарс жараёни таркибий тизимининг функционаллиги дизайн таълими ва талабанинг фикрлаш кетма-кетлигини конкретлаштириш академик ўқув жараёнининг интизомидир. Олиб борилган изланишлар ва шу йўналишда изланиш олиб борган тадқиқотчилар, "ўқув интизومي" тушунчаси бу биз(педагог) томонидан режалаштирилган ташкилий ва дидактик бирлик сифатида тушунилади. Ўз предмети ва тадқиқот усуллари, назарий мажмуи ва ўқув жараёни учун махсус танланган амалий билимларига эга педагог бў кетма-кетликни мукамалликда ташкиллаштиради. Сабаби интизомнинг мазмуни амалий дарс ҳажмининг фақат бир қисмидир. Чунки ахборот ресурс билан талабани таништириш жараёни асосий омилдир. Шунинг учун, аниқ сабабларга

кўра , бу турли хил фанлар учун бири-биридан мутлақо фарқ қилади. Бу таркибни танлашда умумий ёндашув педагогни ўзи танлайди. Педагог дарснинг мавзуси ва контентдан келиб чиққан ҳолда амалий дарс кетма-кетлигини белгилайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шундай қилиб, профессионал режалаштирилган амалий дарс блокиннинг ҳар бири, ўқув жараёнининг интизоми, дизайнерларни тайёрлаш учун ўқув дастурининг маълум бир тизимини ўз ичига олиши керак. Ушбу соҳа доирасида яратилган дидактик адабиётлар билан комплекс биргаликда янги жиҳозлардан ҳам фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Бунда академик комплекс, ўқув режасининг касбий блокадаги фанлар ва умуман уларнинг мазмуни талабанинг шаклланишини таъминлаш учун мўлжалланган бир неча босқичларни келтиришимиз лозим:

1) касбий йўналиш- яни бунда талабанинг ижодий мотивлари тузилиш йўналишини ва қайси фаолияти қандай манбалар асоси сифатида шакллантириш жараёнини аниқлаши лозим;

2) касбий интеллект- шахснинг характерининг таркибий қисмига асосланиб, талабанинг билим соҳасининг хусусиятлари устида ишлаш;

3) касбий ўзлик – яъни талаба бўлажак касбий фаолиятни маҳим омил, шакл сифатида қабул қилади ва ўз-ўзини англаган ҳолда, асосий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш жараёнида ўзини профессионал сифатида қабул қилиши;

4) касбий тайёргарлик- талабани амалиёт жараёнида бирор бир вазифани ечишга сафарбар қилиш, албатта талабанинг қобилияти, ички ва ташқи ресурсларини ҳисобга олган ҳолда.

Демак олиб борилган изланишлар натижаси шундан далолат берадики, талабанинг ривожланиши ва билим даражаси ўсиши учун, амалий дарслар жараёнидаги интизомий билимлар тизими самарали ўзлаштирига фундамент эканлигини кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, лойиҳаланган амалий дарснинг сифати ва талабанинг ўз касбига бўлган қизиқишлари билан комплекс равишда дидактик адабиётлар фойдаланган ҳолда дарснинг амалийлик вазифасини ошириш ечими ҳозирги таълимда муҳим рол ўйнайди. Олий ўқув юрти талабаси биринчи босқичдаёқ жиддий лойиҳавий фаолият юритиши ва уни

бошқа босқичларда узлуксиз давом эттириши зарур. Бунинг учун таълим тизимига инновацион технологияларни жорий этиш, унинг шакли ва мазмунини қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Педагог дарс материални ўқиб бермасдан, интерфаол услублардан фойдаланиши, талабаларнинг фаоллигини ва мустақил фикрлашларини ривожлантириши, касбий соҳадаги муаммоли вазиятлардан ҳаётий мисоллар келтириб, янги дарс олиб бориш услублари ёрдамида муаммо ечимининг бир қанча муқобил ечимларини аниқлаши, хулосалаш зарур.

REFERENCES

1. Введение метода проектов в образовательный проект/ Методическое пособие, Самара, 2003.
2. ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР: лойиҳалар услуги – таълим сифатини оширувчи технология сифатида, 2012.
3. Ерназаровна, У. Г. (2022). ТҲЕ ФОРМАТИОН ОФ ТҲЕ ДЕСИГН ТЕРМ АНД ҲИСТОРИЙ ОФ ДЕВЕЛОПМЕНТ. *ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 96-102.
4. Ерназаровна, У. Г. (2022). ТҲЕ РОЛЕ ОФ " ДЕСИГН-ТҲИНКИНГ" ИН ТҲЕ ФОРМАТИОН ОФ АРТИСТИС АНД ДЕСИГН АСТИВИТИЕС ОФ ФУТУРЕ СПЕСИАЛИСТС. *ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 103-105.
5. Юнусходжаева, С. А. (2019). ЁШ РАССОМНИ ЎҚИТИШДА САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 1(4)
6. Турсунпўлатова, Д. Р. Қ. (2021). КИЙИМДАГИ " НЕУ ЛООК" УСЛУБИ, КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ МОДА ЙЎНАЛИШИДА АКС ЭТИШИ ТАҲЛИЛИ. *Ориентал ренаиссансе: Инновативе, эдусатионал, натурал анд сосиал ссиенсес*, 1(10), 752-762.
7. Нишанова, С. Д. (2022). ЗАМОНАВИЙ ПОДИУМГА 80-ЙИЛЛАР МОДАСИНИНГ ҚАЙТИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР. *Ориентал ренаиссансе: Инновативе, эдусатионал, натурал анд сосиал ссиенсес*, 2(1), 189-195..
8. Атаханова, Ф. (2021). ЗАМОНАВИЙ МОДАДАГИ ЭТНО-ЙЎНАЛИШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ. *Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти АХБОРОТНОМАСИ илмий-амалий журнали*, 5(02), 69-71.